



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 8 июнь, № 112 (5279)

Чоршанба



Мустақиллик ҳаётимизни, дунёқарашимизни ўзгартирди. Дунёга, ён-атрофимизга янада теран назар ташлашга ўргатди. Кадрятларимизга хурмат ҳиссини уйғотди. Буюк ишларга қодир халқ эканлигимизни аниқлатди. Бугун бунёдкорлик, яратувчанлик куч-гайрати билан яшаётганимиз, эзгу орзу-умидлар ҳавоси билан нафас олаётганимизнинг асл сабаби ҳам шунда. Айниқса, юртимизни бог-роғларга айлантириш мақсади йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишлари таҳсинга лойиқдир.

ИСТИҚЛОЛ БОҒЛАРИ

Зеро, бевосита Юртбошимиз ташаббуси ва ғоялари асосида барпо этилган истиқлол боғларининг бугунги кўрки, таровати ўзгача. Буни қадимий ва ҳамisha навқирон Бухорода барпо этилган боғлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Кўҳна шаҳарнинг ҳаво дарвозаси саналган "Бухоро" аэропортига тушиб, беш-олти қадимий қўшмақчадан қўрқам боққа кўзингиз тушади. Ям-яшил мажнунтоллару арчалар, мевали дарактларга, чаман-чаман гулларга боқиб йўл чарчоғини унутасиз. Рухингиз энгил тортади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида барпо этилган ва етти гектар майдонни эгаллаган бу гўшанинг номи ҳам исми-жисмига монанд — чинакам "Истиқлол боғи".

— Экобоғимизда икки минг туздан зиёд мевали ва манзарали дарактлар, ундан зиёд турдаги бир миллион донадан кўпроқ атиргул ҳамда 16 хил гул парвариш қилинаёпти, — дейди шу масканнинг бош боғбони Фахриддин Мухторов. — Кўриб турганингиздек, боғимиз дам олувчилар билан ҳамisha гавжум. Уларнинг мириқиб ҳордик чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Биласизми, бу ердаги ҳар бир гиёҳ мен учун қадри. Ҳар бир ниҳолни ўз фарзандини ўрнида кўраман. Бу ернинг тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оламан. Қушларнинг хониши руҳимга ором беради. Шундай тинч ва фаровон ҳаётда яшаётганимга, Ўзбекистон деган жаннатмонанд юрт менинг Ватаним эканига шукроналар қиламан.

Табиатан гўзалликка ошувта эканлиги шундоқ сезилиб турган бу инсоннинг тинчлигини сўз оҳанги бежиз эмас. У тақдир тақозоси билан байналминал жангчи сифатида афсон урушида иштирок этган. Уруш даҳшатини ўз кўзи билан кўрган. Шу боисдан ҳам тинчликнинг қадри-қиммати теран аниқлайди. Ахир бу фусункор боғлар ҳам тинчлик мева-си, махсули эмасми? — Иختисослим бўйича агрономман, — дейди яна бир сўхбатдошимиз Аҳтам Аҳмедов. — Мустақилликнинг дастлабки йилдан бошлаб ободонлаштириш соҳасида ишлаб келяман. Чиндан ҳам истиқлол шарофати билан шаҳримиз киёфаси ўзгариб кетди. Эсимда, бундан йигирма-йигирма беш йил муқаддам жазирама иссиқ пайтлари уйдан ташқарига чиқа олмай қолардик. Чунки салқин, хушманзара жойлар йўқ ҳисоби эди. Борлари ҳам қаровсиз, ташландик аҳволда эди. Кўрсангиз, таъбингиз хира ортада. Шўқр, у қунарлар ортада қолди.

(Давоми 2-бетда).

ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқаришнинг муҳим омилидир

Ахборотга бўлган ҳуқуқ ва эркинлик ҳақида сўз борар экан, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ахборот олиш ҳамда тарқатиш, бу аввало, инсонга берилган табиий ҳуқуқ ва эркинликлар сирасига қиради. Инсоннинг гапира олиши, шунингдек, эшитиши, яъни ташқи рецепторлар таъсирида овозларни қабул қила олиши ва эшитганларини тафаккурида қайта ишлаш билиши

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш борасидаги ислохотларнинг мантӣқий давоми сифатида қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган, Асосий Қонунимизнинг бу соҳага доир нормалари янада кенгайтирилиб, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонуннинг 3, 5, 9-моддалари; "Ахборот эркинлиги принцип-

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

лари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 4 — 10-моддаларида белгилаб қўйилиши бу соҳанинг муҳим ҳуқуқий кафолати сифатида намоён бўлди. Шу маънода айтганда, Юртбошимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари суртилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, "Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этишдаги минбарга айлантиришдан туриб, бу мақсадларга эришиш бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз".

Асосий Қонунимизнинг 29-моддасида "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга"лиги, 67-моддасида эса "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрисидаги ахборотнинг тартибда жавобгарлиги ҳақидаги нормалар белгилаб берилди.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● **АНДИЖОН**да Республика маънавияти ва маърифат кенгаши, Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида "Мустақиллик ва маънавият" мавзусида анжуман ташкил қилинди. Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларидан соҳа ходимлари иштирок этган тадбирда ёш авлод тарбиясида маънавиятнинг роли, фарзандларимизни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш каби масалаларда ўзаро фикр алмашилди.

● **ҚОРАҚАЛПОҚ** давлат кўғирчоқ театрида драматург М. Хожанова қаламига мансуб "Дўстиндан топ..." деб номланган спектакль ёш томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Дўстлик, меҳр-оқибат, инсонийлик фазилатларини улуғловчи ушбу асар театрнинг таъкидлик актёрлари томонидан маҳорат билан ижро этилди.

● **КОНИМЕХ** туманида 52,3 километр масофага қувур тортилиши эвазига 14 та қишлоқнинг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 3 миллион 50 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

● **ТАЙЛОҚ** туманилик тадбиркор Жасур Исрофилов саъй-ҳаракати билан "Тайлоқ иссиқ нон" хусусий корхонаси ташкил этилди. 110 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилган ушбу корхонада ҳозир бир кечакундузда бир тоннадан ортиқ нон ва нон махсулотлари тайёрланмоқда.

● "Ўзқишлоққўжалик-машинизинг" компаниясининг **ФАРФОНА** виллояти филиали жорий йилнинг ўтган даврида фермерларга 61 хайдов трактори, 96 та техника воситасини етказиб берди. Натияжада виллоядаги фермер хўжалиқларининг имкониятлари кенгайиб, мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам замин яратилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

БАРХАНЛАР БАҒРИДАГИ БЎСТОН

Ўзини ернинг эгаси деб билган деҳқон унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланади: меҳнатининг баракаси рўзғорига, қишлоғига, бутун эл-юртига татийди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ер деҳқонга берилгани, бугун фермерларимиз эришаётган марралар бунинг яққол тасдиғидир. Мен ҳам истиқлол шарофати билан фермер бўлдим. Ҳозир 440 гектардан ортиқ ерда деҳқончилик қилаяпмиз. Ҳосилдорлик ҳам, шунга яраша даромадимиз ҳам юқори.

Истиқлол — менинг тақдиримда

Фермер хўжалигимиз Орол денгизига яқин. Маълумки, денгиз атрофида тулроқ шўр бўлади. Унда деҳқончилик қилиш, айниқса, юқори ҳосилдорликка эришиш осон эмас. Аммо касбим агроном бўлгани боис бундан ҳайқимадим. Қолаверса, биз, фермерлар учун барча шароит яратилган. Техника, ўғит, ёқилги, эҳтиёт қисм — ҳаммаси муҳайё. Юз нафарга яқин йигит-қиз меҳнат қилаётган хўжалигимизда ҳар йили қарийб 100 гектар майдонда пахта, 130 гектарда буғдой, 140 гектарда шולי етиштириб, галладан ўртача 60, пахтадан эса салкам 40 центнердан ҳосил олишга эришмоқдамиз. 15 гектарлик боғда олма ва узум парваришланмоқда. "Изалган имкон топар", деганларидек, фаолиятимизни балиқчилик ҳисобидан кенгайтириш мақсадида



Отабек МИРСОАТОВ олган сурат.

"Отақўл" овули ёнидаги табиий қўллаб-қувватлаш каби хайрли ишларга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшяпмиз. Бугун мамлакатимизда "Ишлайман, фермер бўлман", деган инсон учун барча қулайликлар яратилган. Узимиздан қиёс, ҳозир бир пайтлардагидек режа учун эмас, дастурҳонимиз тўқинлиги, халқимиз фаровонлиги учун меҳнат қилаётганимизни

якши биламиз. Манфаатдорликнинг ортиши ҳосил чўғининг юқори бўлишига хизмат қилмоқда. Фойдамизни эл билан баҳам қўриб, қолганига фаолиятимизни кенгайтиришни режалаштираман. Шуларни ўйласам, ёшлик пайтларим — ота-боболаримнинг ҳаёти кўз ўнгимда гавдаланади. Отам — Эржон шунча яйлов ерлар бўш турса-да, чорва боқиб, уларни

кўпайтиришдан чўчирди. Ўзим ҳам қолхозда йигирма йилча ишлаб, ҳовлимда битта қўй боққанам йўқ. Мустақиллик шарофати билан деҳқончилик қилиш учун 440 гектардан ошқ ерга, қанчадан-қанча техника, экскаватору комбайнлар, 2 минг бош қўй-эчки ва 200 бошдан зиёд қоромолга эга бўлдик.

(Давоми 2-бетда).

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР

юртимизда тобора кўпаймоқда

Бугунги кунда юртимизни улкан қурилиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш майдонига менгзаш мумкин. Иншоотлар, айниқса, аҳоли учун мўлжалланган яқка тартибдаги тураржойлар ўзида миллий аъналаримиз ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда барпо этилаётгани боис қишлоқларимиз кўрunga қўрқ, чиройинга чирой қўшмоқда.

Қарор ва ижро

Аслида, бунёдкорлик — халқимизга хос ҳислат. Аҳдодларимизнинг тафаккури ва ишбилармонлиги асосида қурилиб, асрлар давомида дунёни хайратга солиб келётган турфа иншоотларимиз бунга далил. Истиқлол йилларида бу аънаа ўзгача маъно ва янгилик қиёфа касб этиб, дилларга қувонч бағишламоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Таълим — барқарор ривожланишнинг муҳим омил» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Табиий муҳофаз қилиш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирилик ва идоралар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар, журналистлар иштирок этди.

ТАЪЛИМ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ

Ўзбекистон Давлат табиати муҳофаз қилиш қўмитаси раиси Н. Умаров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан барқарор ривожланиш таъминотидаги аҳолининг таълимий ҳаётига кенг татбиқ этиш, таълим тизимини модернизациялаш, ёш авлодга миллий ва умуминсоний тамойиллар асосида долзарб вазибалар белгилаб берилган. Мазкур дастурий ҳужжатлардан келиб чиқиб, барқарор тараққиёт таълими бўйича концепция лойиҳаси яратилди.

Ушбу концепция мустақил дунёқарашга эга, юксак билим ва малакали, ижтимоий, иқтисодий ва экологик масалаларни ечишда фаол фуқаролик позицияси шаклланган, миллий ва замонавий тамойиллар руҳида қамолга етган авлоднинг тарбиялашда масъулиятли вазибалар қамраб олган. Ҳужжатда таълим тизимини олдида турган долзарб масалалар, уларни ҳал қилиш услублари, барқарор тараққиёт таълимининг ҳаётга татбиқ этиш йўналишлари, соҳадаги стратегик вазибалар ўз ифодасини топган.

(Давоми 2-бетда).

Шу билан бирга, сайёрамизда тобора мураккаблашиб бораётган экологик вазият бутун дунёда, жумладан, юртимизда ҳам бу йўналишда олиб борилаётган таълим-тарбия, илмий ва амалий соҳадаги ишларни янада такомиллаштириши тақозо этмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Сурхондарёда ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови уюшқоқлик, қонунийлик асосида ўтказилмоқда. Виллоядаги 833 та фуқаролар йиғинининг 670 дан зиёдида ўтказилган сайловларда аҳолининг фаол қатнашгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

ИШ БИЛГАН ЭЛ АРДОҒИДА

Олтинсой туманидаги "Миршоди" қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси Бобоназар Тўшбоевга ишонч билдиришди. Чунки у салкам 20 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда амалга оширилаётган ободончилик ва бунёдкорлик, аҳоли бандлигини таъминлаш ишларига бош-қош бўлиб келмоқда. Жумладан, кейинги йилларда қишлоқ йўллари таъмирдан чиқарилиди, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Айни чоғда маҳаллада гузар барпо этилиб, бу ерда тикувчилик цехи, пойабзал таъмирлаш устaxonаси ва бошқа тур-

даги кичик корxonалар ташкил этилди. — Сайловларга пухта тайёргарлик кўрилганиги ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишда қўл келаяпти, — дейди туман кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Ашур Орипов. — Бундан икки ярим йил олдин сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ишонч оқладими, йўқми — шу саволлар ҳам фуқаролар томонидан таҳлил қилинмоқда. Сайловда илк бор иштирок этаётган номзодларнинг эса сайловдаги дастурларидидаги ғояларига алоҳида эътибор қаратилаётди.

(Давоми 2-бетда).

Саноатимиз салоҳияти юксалмоқда

Республикаимизда 2011 йилнинг дастлабки чорагида саноат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоизга ўсди.

Бу ҳазилакам кўрсаткич эмас, албатта. Мазкур рақам замиридаги юксак салоҳиятнинг ҳис этиш учун дунёнинг айрим тараққий этган давлатлари ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози исканжасидан қутулмай, саноати сурункасига зарар кўраётганини айтишнинг ўзи қийин. Ана шундай шароитда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ҳатто энг чеҳка ҳудудларга ҳам саноатни олиб кириш бўйича изчил ислохотлар олиб борилаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Саноатимиз салоҳияти йил сайин юксалиб, жадал ўсиш суръатлари жорий йилда ҳам қузатилиши халқаро экспертлар томонидан алоҳида эътироф этила-

япти. Бу бежиз эмас. Зеро, яратилган бе-қиёс имкониятлар тўғрисида 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур доира-сида энергетика, нефть-газ қимёси ва кимё, тўқимачилик ва энгил саноат, ранг-ли металлургия, машинасозлик ва авто-мобилсозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш, замонавий турдаги қурилиш материал-лари ишлаб чиқариш каби етакчи тармоқ-ларда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётди.

Бу шу йилнинг уч ойида ички бозорни импорт ўрнини босувчи муҳим саноат мах-сулотлари билан тўлдириб, экспортбўй-варлар турини кўпайтириш имконини бер-гани, айниқса, диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛ БОҒЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Кейинги йилларда шаҳримизда Экобоғ макроидаги "Истиклол", Абдурауф Фитрат, Хўжа Исмат Бухорий номидаги боғлар, Хотира хиёбони ва бошқа кўпга сервайз гушалар барпо этилди. Шундай масканларда хордик чикараётган, бог-роғларнинг тоза ҳавосидан баҳраманд бўлаётган ҳамшаҳарларим, хорижий сайёҳларни кўрганимда, шу касбни танлаб хато қилмаганимга амин бўламан.

Шаҳар ободонлаштириш бошқармасида кўпга фидойи, элим, юртим деб яшайдиган инсонлар меҳнат қилишади. Сунгги йилларда уларга қўшимча тарзда харид қилинган замонавий техника воситалари кўмакка келгани айни

муддао. Бошқарма техника парки учта трактор, сув сепишга мўлжалланган иккита замонавий машина ҳамда битта минорали кран билан бойиди.

Дарвоқе, биз Аҳтам ака назарда тутган сайёҳларнинг фикрлари билан ҳам қизиқдик.

— Бухорога иккинчи бор келишим, — дейди Буюк британиялик доктор-анестезиолог жаноб Халид Нақибандий. — Бу ерда ўтган йили ҳам бўлганман. Шаҳрингиз, унинг самимий одамлари менга жуда ёқиб қолди. Бу гал оила аъзоларимни ҳам бошлаб келдим. Улар ҳам қадимий Бухоронинг гўзаллигидан ҳайратдалар. Мени лол қолдиргани халқингизнинг бунёдкорлик шжоатидир. Бу ерда сунгги бир йил ичида шундай ўзгаришлар

бўлибдики, ҳайратланмасдан иложисини йўқ қилишимиз. Баҳордан Нақибандий зияратгоҳидаги ободончилик юмушлари, у ердаги боғлар таровати, анвойи гуллар — буларнинг ҳамма-ҳаммаси ажайиб. Менда, айниқса, янги барпо этилган Бухоро маданий маркази жуда катта таассурот қолдирди.

Дарҳақиқат, бевосита Президентимиз ташаббуси билан жуда қисқа муддат ичида барпо қилинган Бухоро маданий маркази халқимиз бунёдкорлик кучининг ёрқин намунаси бўлди. 107 гектар майдонни эгаллаган бу кўркам масканда хориждан келтирилган яссел, каталпа, каштан каби жами 16 турдаги ноёб дархат кўчатлари ўтказилган. Ён-атрофдаги яшиллик, анвойи гуллар таровати, фавворалар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллий ва халқро тажриба чуқур ўрганилган ҳолда яратилган ушбу концепция лойиҳаси олимлар, экологлар, ўқитувчилар ва соҳа мутахассислари иштирокида кенг муҳокама этилди.

Анжуманда ЮНЕСКОнинг

ТАЪЛИМ ВА БАҲҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ

мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Иван Эспиналь Ўзбекистонда экологик мувозантни сақлаш, таълим тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ижтимоий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Тадбирда барқарор тараққиёт жараёнида интерфакт таълим усуллари, ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, нанотехнологиялар ва илмий-педагогик салоҳиятини янада ривожлантириш мавзуларида маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза этиш масалалари қўмитаси томонидан Вазирилар



Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган "2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури" ижросига бағишланган парламент эшитиув ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари ва Навоий вилояти ҳокимининг шу бўйича ахборотлари тингланди. Йиғилишда қўйилган палата депутатлари, тегишли вазирилик ва идора вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда табиат ва унинг бойлиқларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб келинаётгани ҳамда бунинг учун мустақкам меъёрий-ҳуқуқий пойдевор яратилганини таъкидладилар.

Юқорида номи тилга олинган дастурда мамлакатимизда биохилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режасини амалга ошириш, табиати муҳофаза қилиш борасидаги қўнчиликни такомиллаштириш каби тадбирлар белгиланган.

Мажлисида мазкур ҳужжатнинг баҳарличилигини назорат қилишга масъул бўлган орган — Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бу борада бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани айтиб ўтилди. Жумладан, Дастур ижроси учун ажратилган молиявий маблағлар ва моддий ресурслар ҳамда чет эл инвестицияларининг ишлатилиши билан боғлиқ мониторинг ҳамда шу бўйича

даланиш дастури, юртимизда узлуксиз экологик таълим бўйича концепция, баллиқларни ҳимоя қилиш қурилмалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш шуллар жумласидандир.

Шунингдек, тадбир давомида Навоий вилоятида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Қолаверса, ҳудудда бу борадаги сайёҳ-ҳаракатлар узлуксизлигини таъминлашга эътиборни қўйиштириш кераклигига урғу берилди.

Парламент эшитувида Дастурнинг ўз вақтида ва бекаму кўст баҳарличилиги юзасидан мониторинг самарадорлигини ошириш, шу бўйича ижро механизмининг янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди ва қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Санджон МАХСУМОВ.

Парламент эшитувида Дастурнинг ўз вақтида ва бекаму кўст баҳарличилиги юзасидан мониторинг самарадорлигини ошириш, шу бўйича ижро механизмининг янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди ва қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ИШ БИЛГАН ЭЛ АРДОФИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Оқ олтин" қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтган сайловда бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик. Вакиллар чуқур таҳлиллардан сўнг "Оқ олтин" қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига Сафар Холос номзодини ёқлаб овоз берди. У қуюнча, одамларга гамхўр, изланувчан, меҳнаткаш инсон. Қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, инфратузилмани яхшилашни ўз бурчи, деб билади. Айни чоғда аҳоли бандлигини таъминлаш учун вилоятдаги паррандачилик қорхоналари билан шартнома асосида маҳалларда товуқ боқилиши йўлга қўймоқда.

Тумандаги Марказ маҳалласида бўлиб ўтган сайловда ҳам очкилик, ошкоралик яққол сезилиб турди. Унда қатнашган юз нафарга яқин вакилнинг кўпчилиги Жума Содиқовга овоз берди. Гап шундаки, Ж. Содиқов бундан олдинги муддатда ишни яхши ташкил этиб, маҳалла тозаллиги ва ободлигига катта ҳиссасини қўшди. Айни чоғда у ҳудуддаги қорхоналар, янги ташкил этилган цехларга коллежлар битирувчиларини ишга joyлаштиришга бош-қош бўлаётди.

Хуллас, Сурхондарё вилоятининг барча фуқаролар йиғинларида мазкур ижтимоий-сиёсий тадбир қўнунийлик, очкилик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилмоқда.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржойлар қурилиши айни пайтда ҳам жадал давом эттирилмоқда. Қурилиш жараёнига пудратчи ташкилотларнинг танлов асосида жалб қилина-

30 миллион донга хом гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна келтириб ўрнатдик. Улар орқали тайёрланаётган гишларни табиий газ ва кўмир ёқилғисидан ишлайдиган 26 камерали худдонларда пишираёلمиз. Натияжада ҳозир бир кеча-кундузда 80 минг до-

ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг муҳим омилidir

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ҳамда эркинлигини ўзида мутасам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартини, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади. Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охириги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақам қўнчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга доир 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Айтиш лозимки, фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини даврга мос равишда мутаносиб таъминлашда амалга оширилаётган ислохотлар, тезкор ахборот асрида ахборотни зудлик билан етказишга асосланган ахборот-коммуникация соҳасининг воситалари шиддат билан ривожланиб бораётган бир шариотда кучли ҳуқуқий ҳимоя механизминини яратиш, бу жараёнда энг илғор мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда, фуқаролар ва давлат органлари ўртасида ахборот алмасишнинг жараёнида воситачи сифатида фуқаролик жамияти институтини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақам қўнчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга доир 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Юртбошимиз Концепцияда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишларни янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизминини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, тахририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги фуқаролик бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этишга алоҳида тўхталиш.

Юртбошимизнинг соҳада ислохотларни янада жадаллаштириш борасида 4 та янги қонунни қабул қилиш ва 3 та қонунга тўзатишлар киритиш ҳақидаги ташаббуслари, албатта, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг такомиллашуви ҳамда ушбу ҳуқуқлардан янада кенгроқ фойдаланишларини таъминлашга хизмат қилади.

Юртбошимизнинг соҳада ислохотларни янада жадаллаштириш борасида 4 та янги қонунни қабул қилиш ва 3 та қонунга тўзатишлар киритиш ҳақидаги ташаббуслари, албатта, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг такомиллашуви ҳамда ушбу ҳуқуқлардан янада кенгроқ фойдаланишларини таъминлашга хизмат қилади.

Нуриддин МУРОДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

БАРХАНЛАР БАҒРИДАГИ БЎСТОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бир замонлар етти ухлаб тушимга ҳам кирмайдиган ана шундай катта имконини менга, мен каби минглаб фермерларга, албатта, истиқлол, Президентимизнинг оқилона сиёсати тўғрисида эътибор берди.

Балқул" ҳўжалигига қарашли бинони қайта таъмирлаб, спорт залига айлантирдик. 300 кишига мўлжалланган тўйхона қурдик. Қишлоқ аҳолиси учун қулайлик яратиш мақсадида тезкор тўлов шохобчалари ташкил этилди. Яқинда тўйхона атрофида қурилган тикув цехи ҳам ишга тушади. Ундан зиёд замонавий тикув машиналари харид қилиш учун шартнома тузганмиз. Шу орқали маҳалламизнинг кўплаб хотин-қизлари иш билан таъминланди.

Фермерларимиз қишлоқларга илҳам, замонавий технологиялар киритиш, заводлар қурмоқда, минглаб янги иш ўринлари яратмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 августда қабул қилинган "Қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва илҳам усуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлаётди.

Минг шукрки, меҳнат улугланидиган, қадр топадиган юрда яшаймиз. Менинг ҳам камтарона хизматларим Юртбошимиз томонидан юқори баҳоланиб, "Шухрат" медални, "Фидо-корона қизматлари учун" ордени билан тақдирландим. "Ташаббус" кўрик-танловида юқори ўринлар соҳибини бўлидим.

Мазкур қарор асосида хар йили "Ўзэкспомарказ"да анъанавий тарзда ўтказилаётган кўргазмада иштирок этиб, фермер ҳўжалигимиз учун зарур замонавий ускуна ва жиҳозлар харид қилаёلمиз. "VINIKS" фирмасидан печлар харид қилиб, туман маркази ва "Отакўл" фуқаролар йиғинидаги нововойхоналаримизда ўрнатдик. Ҳозир кунига 2-3 минг донга нон пиширилмоқда.

Булларнинг барчаси мамлакатимиз мустақиллиги, давлатимизнинг оқилона сиёсати, истиқлол берган имкониятлар тўғрисида.

Сербенбой СЕЙТНАЗАРОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпри туманидаги "Тайимбет" фермер ҳўжалиги раҳбари. (ЎзА).

Ушбу мақсадни амалга оширишда унга банкнинг 22 миллион сўмлик кредити қўл келди. Ҳозир

корхонада беш мингга товуқ саноат усулида парвариш қилинмоқда.

Эътиборлиси, туманда жорий

Фуришлик тадбиркор Лобар Каримова сая-ҳаракати билан паррандачиликка ихтисослаштирилган "Асадбек-Ҳамкор бизнес" хусусий қорхонаси ташкил этилди.

Изланиш баракаси

Ташаббус

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган кейинги йигирма йиллик асрларга татигулик даврида. Чунки шу вақт давомида юртимизни дунё тан олди. Утган қисқа даврда барча соҳаларда оламшумул ютуқларга эришилдики, унинг ифодиси, қадр-қиммати — бугунги фаровон ҳаётимизда яққол акс этиб турибди.

Шу ўринда айтиш лозимки, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг илк йилларида ноқ ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилди.

Ўшбу йўл эндиликда мамлакатимиз орқали афғон халқи учун мўлжалланган транзит юклар ташвиш ҳажмини оширишга хизмат қилиши билан бирга, келажақда Осиёни Европа билан боғловчи қитъалараро магистралнинг муҳим бўғинига айланиши кутилмоқда.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Узоқни кўзлаб бошланган эзгу сая-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бериб, иқтисодиётимизни юксалтиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Ушбу соҳадаги илк ислохотлар доирасида "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси мамлакатнинг йўловчи ва халқ ҳўжалиги юкларини ташвишга бўлган эътиборини таъминлашга эришишни назарда тутган бўлса, кейинчалик иқтисодиётимиз артерияси — темир йўл тизимининг жаҳон темир йўл тармоқлари билан бевосита ҳамкорлигини йўлга қўйиш, моддий-техник базасини мустақамлаш, мавжуд ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, хорижий инвестицияларни тармоққа жалб этиш, ҳарқат таркиби билан янги темир йўллар инфратузилмаси муттасил такомиллаштирилиб,

хуқуқий-меъёрий база яратишга қатъият билан киришилди. Ниҳоят, Президентимиз гоғларини ва ташаббусларини, эътиборини, кўлаб-қувватлашининг самараси ўлароқ, 2004 йил 12 мартда Хоразм вилоятининг Ҳазорасп тумани ҳудудида Амударё узра узунлиги 681 метрлик маҳобатли автотомобиль-темир йўл кўприги ишга туширилди катта тантананага айналди. Жанубда "Аср қурилиши" номи билан узунлиги 223 км. бўлган "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган" темир йўли барпо этилди. Натияжада темир йўлимиз умумий узунлиги 6 минг километрдан ошди. Бу ишларнинг мантисий ва амалий давоми тарзида бугунги кунда ҳам изчиллик билан янги темир йўллар инфратузилмаси муттасил такомиллаштирилиб,

мустақамланаётгани кишини қувонтиради. Айни пайтда "Янгиер — Жиззақ" масофасида икки йўналишли электрлаштирилган темир йўл қурилиши жадал олиб боришмоқда.

Юртбошимизнинг Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтилганидек, соҳа вакиллари зиммасида янада жиддий ва улкан вазифалар турибди. Хусусан, "Жиззақ — Янгиер" йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўли темир йўл қурилишини ниҳоясига етказиш, "Мароқанд — Қарши" ва "Қарши — Термиз" йўналиши бўйича стратегик аҳамиятга эга темир йўл тармоқларини электрлаштириш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Бу, ўз навбатида, сарф-ҳаражатларни 20 фоизга қамайтириш борасида, йўловчи ҳамда юкларни белгиланган манзилларга етказиш тизимини 1,3 баробарга ошириш имконини беради.

Фахр

Умуман, темир йўл коммуникацияларини ривожлантириш бўйича юксак мақсад, вазифа ва режаларнинг узлуксиз амалга оширилиши ривожланиш имкониятларини янада кенгайтиради. Ватанимиз кудратига қудрат қўшади, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиради, кўзланган олий мақсадларимиз сари бизни тобора яқинлаштиради.

Ташкент — Самарқанд" темир йўл участкасида Марказий Осиёда ягона ҳисобланган теозор поездалар ҳаракатини ташкил этиш ишлари белгиланган муддатларда яқунлаштириш ҳам бугунги кунда темир йўлчилар олдига турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Ташкент — Самарқанд" темир йўл участкасида Марказий Осиёда ягона ҳисобланган теозор поездалар ҳаракатини ташкил этиш ишлари белгиланган муддатларда яқунлаштириш ҳам бугунги кунда темир йўлчилар олдига турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Тошпўлат МАТИБЕВ, социология фанлари номзоди.

Яхши

хабарлар

“Кармана гипс махсулотлари” қўшма корхонасида лойиҳа қиймати 1 миллион 430 минг АҚШ долларлик модернизация тадбирлари амалга оширилди.

Лойиҳа самара берди

Натижада ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробарга ортди. Хусусан, ҳозир бу ерда ойига 40 минг донагача гипскартон ва 2 минг тоннагача гипс тайёрланмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифатига катта эътибор қаратилаётганлиги боис унга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бораётди. Жумладан, корхона жамоаси кўшни мамлакатларга ойига 400 тоннагача гипс махсулотларини экспорт қилмоқда.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

“Шўрчидон махсулотлари” акциядорлик жамиятида модернизация тадбирлари амалга оширилиб, уруғлик донни қайта ишлаш технологияси ўрнатилди.

Қайта ишлаш технологияси

Ушбу лойиҳани бажаришда банк томонидан ажратилган 857 миллион сўмлик кредит кўл келди. Айни пайтда бу ерда Германиянинг замонавий технологиялари ёрдамида тайёрланаётган махсулотлар сифати тубдан яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кескин оширилди.

Қувонарлиси, корхона фаолияти кенгайтиши ҳисобига қўшимча 10 та иш ўрни яратилди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Табиат ва инсон ўртасидаги мутаносиблик турли қонунлар билан бошқарилиб келинади. Уларга риоя қилмаслик эса алаоқибат экологик мувозанатнинг издан чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Илм-фаннинг жадал ривожланиши, янги энергия манбалари, кимёвий моддаларнинг яратилиши, ер ости ва ер усти табиий бойлиқларидан ҳужасизларча фойдаланиш натижасида ана шундай мураккаб вазият юзага келди. Бундай салбий ҳолатлар сайёраимизда иқлим билан боғлиқ турли глобал муаммолар авж олишига сабаб бўлди.

ТАБИАТНИ АСРАШ — ИНСОННИЙ БУРЧ

Хусусан, айрим жойларда ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб ёки аксинча совиб кетмоқда. Баъзи ҳудудларда эса ёгингарчилик ҳаддан зиёд кўпайиб, сув тошқинларини келтириб чиқараётди. Ачинарлиси, бунинг оқибатида нафақат наботот олами, балки инсониятнинг ўзи ҳам жиддий жабр кўрмоқда.

Таъкидлаш керак, атроф-муҳит билан боғлиқ ҳавотир бугун пайдо бўлган масала эмас. Нега деганда, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб экологик деградация ва турларнинг ҳамда экотизимларнинг йўқолиб кетиши каби муаммолар халқаро ҳамжамиятни жиддий ташвишга сола бошлаганди. Шу боис 1962 йилнинг 18 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси томонидан Иқтисодий ривожланиш ва табиатни қўриқлаш резолюцияси қабул қилинди. Унда атроф-муҳитни, флора ва фаунанинг табиий ресурсларини муҳофаза қилиш устувор вазифалар сифатида белгилаб қўйилган. Бу Ер юзида табиат ва унинг бойлиқларини асраб-авайлашга қаратилган биринчи халқаро миқёсдаги муҳим ҳужжат эди. Шу боис ҳам мазкур резолюция халқаро ҳамжамиятнинг табиатга бўлган муносабатини бир қадар ўзгартирди. 1972 йилнинг 5 — 16 июнь кунлари эса БМТ Швейцариянинг Стокгольм шаҳрида ташкил этган конференцияда атроф-муҳит таназзули муаммолари

рини ечиш учун тезкор чоралар қабул қилиш зарурлиги кенг муҳокамага қўйилди. Бу эса мазкур муаммоларга дунё ҳамжамияти эътиборини жалб этишга қаратилган муҳим қадам бўлди. Унда иштирок этган делегациялар тақлифига кўра, 5 июнь — Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини сифатида белгиланди. Шунингдек, конференцияда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган Стокгольм декларацияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда соғломлаштириш хозирги ва келажак авлод учун инсониятнинг энг аҳамиятли масалаларидан эканлиги илк бор кайд этилганди. Ушбу конференциядаги яна бир муҳим воқеа — БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП)нинг ташкил этилиши бўлди.

Уша пайтларда ана шундай дастурларнинг қабул қилиниши беҳиз эмас эди. Негаки, бу пайтда келиб инсониятнинг атроф-муҳитга таъсири туфайли вазият мураккаб қўрилиши олганди. Шундан сўнг Жаҳон табиатини асраш стратегияси (1980 йил 5 март) ҳам ишлаб чиқилди. Унинг фаолиятида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП), ЮНЕСКО, Жаҳон ёввойи табиат фонди, Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро итти-

фоқи, Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилати ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар иштирок этиб келаяпти. Бу каби сайёҳаракатлардан кўзланган мақсад атроф-муҳит соҳасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлларини излаш, эътиборга муҳтож экотизим ва ҳайвонот-наботот олами рўйхатини тузиш, зарур чора-тадбирлар

Шарҳ

ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этишдан иборат. Йиллар давомида унумдор ерларнинг ўзлаштирилиши, шаҳарлар майдонининг йириклашуви, турли табиий бойлиқларнинг қазиб олиниши, йирик санаят корхоналарининг қурилиши натижасида биргина XIX асрда Ер юзидан 150 турдаги йирик сут эмизувчи ҳайвонлар ва 139 турдаги қўшлар йўқ бўлиб кетган. Инсониятнинг ўрмонларга нисбатан аёвсиз муносабати туфайли эса сайёраимизда 100 йил аввалги 7,2 миллиард гектар ўрмондан ҳозир 4,1 миллиард гектари қолди, холос.

Бу эса сайёраимизда экологик тангликни чуқурлаштирмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида 1992 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция имзоланди. У дунёнинг 188 мамлакати томонидан тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатда биологик хилма-хилликни сақлаш, унинг таркибий қисмларидан оқилона фойдаланиш, давлатлараро генетик ва моддий ресурслардан қонунга мос келувчи технологиялардан

латимиз Марказий Осиёдаги бир қанча биографик ўлкалар туташган ҳудудда жойлашганлиги боис унинг табиати ниҳоятда бойдир. Юртимиздаги чўл ва текисликлардан иборат кенг текисликлар, тоғ-дашлар, ўрмонлар, яйловлар, тўқайзорлар, сув ҳавзалари, маданий ландшафтлар — буларнинг барчаси ўзига хос флора ва фауна мажмуаларга эга экотизимларни ташкил этади.

Мамлакатимизда 1998 йилда “Биологик хилма-хилликни сақлаш. Миллий стратегия ва ҳаракат режаси” дастури қабул қилинган бўлиб, у ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тур таркиби тахлилини, зарурий хилма-хилликни баҳолаш ва экотизимдаги замонавий асосий синфлар мақомини куриб чиқишни вазифа қилиб қўяди. Шунинг айтиш жоизки, ҳозирги пайтда республикаимизда ҳайвонларнинг 15 минг, ўсимликларнинг 4500 га яқин турлари рўйхатга олинган. Шулардан ҳайвонларнинг 184 тури, ўсимликларнинг эса 305 нави республикамиз “Кизил китоби”га киритилган. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони эса 23442,4 квадрат километрни ташкил этади.

Ана шу ҳудуд тизимида тўққизта давлат қўриқхонаси, иккита миллий боғ, тўққизта давлат буюртма хонаси ва битта ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш бўйича Республика маркази (“Жайрон” Экомаркази) фаолият кўрсатмоқда.

Қалаверса, она-табиатни асраб-авайлаш масаласи Конституцияимиз орқали ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Унда фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, умуман, атроф-муҳитга муносабати, соҳага доир тизимлар фаолияти белгилаб қўйилган. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, ўтган йиллар мобайнида соҳага доир йигирмадан зиёд қонунлар, бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Фозилдин АБИЛОВ.

24 соат ичида

Компьютер воситалари ишлаб чиқарувчи “Lepovo” (Хитой) корхонаси ўз мавқеини янада мустаҳкамлашга қарор қилган кўринади.

Рақобат ҳаракатини талаб қилади

Ған шундаки, у шу соҳага алоқадор “Medion” компанияси (Германия) акцияларининг бир қисмини сотиб олган. Бунинг учун 630 миллион евро миқдорда маблағ сарфлаган. Олдинроқ “Lepovo” Япониянинг “NEC” корхонаси билан ҳамкорликда Кунчичар юрда ноутбуклар сотиш ҳуқуқини қўлга киритганди.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, ўтган йил дунё бўйича сотилган умумий компьютерларнинг 9,7 фоизи мазкур компания улушига тўғри келган. “Lepovo” бу борада “HP” (17,9), “Acer” (12,9) ҳамда “Dell” (12) компанияларидан ортда қолган.

Истеъмол ҳажми ортади

2035 йилга бориб, жаҳонда табиий газга бўлган талаб ҳозиргига қараганда 50 фоизга ошиши кутилмоқда.



Бу ҳақда Халқаро энергетика агентлиги маълум қилди. Натижада ушбу маҳсулотнинг кунлик истеъмол ҳажми 5,1 триллион кубометрга етади. Изоҳлашнича, табиий газга талабнинг бундай даражада ошишига дунёнинг баъзи мамлакатларида истеъмол ҳажмининг кескин ортиши сабаб бўлар экан. Хитой ҳамда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар бу борада етакчилик қилиши тахмин қилинмоқда.

Қурғоқчиликдан сўнг тошқин

Хитой жануби-ғарбида жойлашган Гуйчжоу музофотида юз берган сув тошқинлари катта талафотларни келтириб чиқарди.

Табиий офат 14 нафар одамнинг ҳаётига зомин бўлди. Қарийб 60 минг нафар киши яшаш жойини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Минг-миг гектар майдон эса сув остида қолган. Тошқин тинимсиз ёққан ёгингарчилик туфайли келиб чиққан. Сув тошқини кузатилишига қадар мазкур ҳудуд узоқ қурғоқчиликдан зарар кўрганди.

Сабаби топилмапти

Европанинг бир қатор давлатларида одамларнинг ўткир ичак инфекцияси хасталиқларига чалинишининг сабабини аниқлашнинг имкони топилмапти.

Дастлаб Испанияда етиштирилаётган бодринг касаллики келтириб чиқараётгани тахмин қилинганди. Текширишлар жараёнида бу исботланмади. Кейин эса соя ўсимлиги таркибида хасталикни кўзгатувчи бактериялар борлиги ҳақида маълумотлар тарқатилди. Қизик жиҳати, ушбу маҳсулотнинг таркибидан ҳам ўткир ичак инфекциясига олиб келувчи унсурлар топилмаган. Шу боис Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар қишлоқ ҳўжалиги вазирлари Люксембург шаҳрида йигилиб, инфекция билан боғлиқ ҳозирги ҳолат ва фермерлар кўрган зарарни қоплаш масалаларини муҳокама қилишга келишиб олишди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК
2011 йил 15 июндан бошлаб республика ички қатновида ташиладиган юкларга нисбатан 10-01 прейскуранти ставкаларига пасайтирувчи 0,98 коэффициентини, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўли иштирокида ташилладиган нефть ва нефть маҳсулотларидан бошқа юкларга 1,03 коэффициентини ҳамда ички қатновда «Ангрен» халқаро логистика маркази иштирокида ташилладиган юклар учун 0,597 коэффициентини қўлланилишини маълум қилади.

Potolok-stroy-servis XK
Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари
600 x 600 мм, 610 x 610 мм.
Ассортимент 22 турда.
Тел.: 325-37-77, 370-90-95.

ЎЗБЕКНЕФТАЗ: МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
ЎЗНЕФТАЗҚАЗИВЧИҚАРИШ: АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
Шўртан газ-киме мажмуаси
куйдаги усқуналарни сотиб олиш юзасидан 06/11-сонли тендер савдоси мuddати узайтирилганлигини эълон қилади:
Лот сони Усқуна номи Миқдори
Лот №1 Водород олувчи қурилма 4 компл.

06/11-сонли тендер мuddати — 2011 йилнинг 27 июнига қадар узайтирилди.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Шўртан газ-киме мажмуаси, Ўзбекистон Республикаси, 180300, Қашқадарў вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.
Тел./факс: (+998 73) 730-87-74. Факс: (+998 75) 221-09-04, 221-08-46.
Электрон почта: group_hr@spco.uz

«SIBUZ-INVEST» МЧЖ
Болалар ва ўсирлар учун КИЙИМЛАР
RUDI family
Болалар хурсанд бўладилар!
Ўзбекистон, 10000, Ўшангави шаҳри, Иттифокчи йўли, 786 (Ўшангави, ОқИб б. йўлининг 999999)
Тел: 233-00-00, 233-00-01, 233-00-02, 233-00-03, 233-00-04, 233-00-05, 233-00-06, 233-00-07, 233-00-08, 233-00-09, 233-00-10, 233-00-11, 233-00-12, 233-00-13, 233-00-14, 233-00-15, 233-00-16, 233-00-17, 233-00-18, 233-00-19, 233-00-20, 233-00-21, 233-00-22, 233-00-23, 233-00-24, 233-00-25, 233-00-26, 233-00-27, 233-00-28, 233-00-29, 233-00-30, 233-00-31, 233-00-32, 233-00-33, 233-00-34, 233-00-35, 233-00-36, 233-00-37, 233-00-38, 233-00-39, 233-00-40, 233-00-41, 233-00-42, 233-00-43, 233-00-44, 233-00-45, 233-00-46, 233-00-47, 233-00-48, 233-00-49, 233-00-50, 233-00-51, 233-00-52, 233-00-53, 233-00-54, 233-00-55, 233-00-56, 233-00-57, 233-00-58, 233-00-59, 233-00-60, 233-00-61, 233-00-62, 233-00-63, 233-00-64, 233-00-65, 233-00-66, 233-00-67, 233-00-68, 233-00-69, 233-00-70, 233-00-71, 233-00-72, 233-00-73, 233-00-74, 233-00-75, 233-00-76, 233-00-77, 233-00-78, 233-00-79, 233-00-80, 233-00-81, 233-00-82, 233-00-83, 233-00-84, 233-00-85, 233-00-86, 233-00-87, 233-00-88, 233-00-89, 233-00-90, 233-00-91, 233-00-92, 233-00-93, 233-00-94, 233-00-95, 233-00-96, 233-00-97, 233-00-98, 233-00-99, 233-00-00.

ACCENT
NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.
HYUNDAI Official Partner
www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

